# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 7-MART, PAYSHANBA, 28-29 (8110)-sonlar

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


*8 март – Халқаро хотин-қизлар куни*




## СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**ШУ КУНЛАРДА ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ШАҲАР ВА ТУМАНЛАРИДА СПОРТ БИЛАН МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНАЁТГАН ҲАМДА МАХСУС МАКТАБ ИНТЕРНАТЛАР, МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИДА ТАРБИЯЛАНАЁТГАН ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ – СПОРТ КИЙИМЛАРИНИ ТАНТАНАЛИ ТОПШИРИШ МАРОСИМЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Нукус шаҳридаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, махсус мактаб интернатлар ва Меҳрибонлик уйларида таълим-тарбия олаётган, мунтазам спорт билан шуғулланаётган қизларга Президент совғаси – спорт кийимлари топширилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан "Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур" шиори остида ўтган тадбир доирасида ташкил этилган ушбу тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Ибрагимова, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири Р.Матқурбонов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида болалар спортини, айниқса, қизларга мос спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тадбирда спорт билан мунтазам шуғулланаётган, катта спортга илк қадам қўяётган минг нафардан зиёд 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларга Президент совғалари тантанали равишда топширилди.

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ.** Андижон шаҳрида бўлиб ўтган тадбирларда спорт билан доимий шуғулланаётган ёки спортга илк қадам қўяётган 3,4 минг нафардан зиёд қизларга Президент совғаси – спорт кийимлари тантанали равишда топширилди. Мазкур тадбирлар она юрт, тинчлик, ёшлик тараннум этилган куй-қўшиқлар, спортчи қизларнинг кўргазмали чиқишлари билан янада файзли ўтди.

– Хотин-қизлар байрами арафасида биз, ёш спортчиларга кўрсатилган бундай эътибордан беҳад хурсандмиз, – дейди 49-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси, дзюдо бўйича ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони Сарвиноз Долимова. – Бундай ғамхўрлик спортда янада юқори чўққиларни қўлга киритишимиз, соғлом ва баркамол бўлиб униб-ўсишимиз, энг муҳими, юртимизга муносиб фарзанд бўлишимиз йўлида бизга янада куч-ғайрат бағишлайди.

Президент совғаларини топширишга бағишланган тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида кўтаринки руҳда ўтмоқда.

**БУХОРО ВИЛОЯТИ.** Ромитан туманидаги бадиий гимнастика марказида бўлиб ўтган тадбирда туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали мутасаддилари, спортчи қизлар, уларнинг ота-оналари, жамоатчилик вакиллари қатнашди. Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётгани таъкидланди.

– Бир неча йилдан буён стол тенниси билан шуғулланаман, – дейди 9-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Шаҳноза Баҳодирова. – Ўтган йили Фарғона ва Наманган шаҳарларида ўтказилган республика турнирларида кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлдим. Президент совғаси маҳоратимни ошириб, янада яхшироқ натижаларга эришишга ундайди.

Бугунги кунда туманда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган қизларнинг 29 фоизи спортнинг 14 тури бўйича ташкил этилган секцияларда мунтазам шуғулланмоқда. Ана шу ёшларнинг 884 нафарига, жумладан, спорт билан илк бор шуғулланаётган 181 нафар қизларга Президент совғалари тақдим этилди.

(Давоми 2-саҳифада)

Бухоро Вилояти

## ДЕҲҚОНЛАРГА КАМАРБАСТАЛИК ҲИССИ ВА ФЕРМЕРЛАР ЭЪТИРОФИ

**БУ ТУЙҒУ "ҚОРАКЎЛДАВСУВМАХСУСПУДРАТ" ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИНИ ЯНГИ РЕЖАЛАР САРИ УНДАМОҚДА.**

Фарҳод Бегандиков Қоракўл туманидаги "Барҳаёт Ўткир замини", Дилфуза Чориева эса "Қоракўл ал-Бухорий" фермер хўжалигига раҳбарлик қилади. Ўтган йили ҳар икки хўжаликда ҳам кўзланганидан ортиқ ҳосил олинди. Ғалла ҳосилдорлиги олдинги йилларга нисбатан 10 центнерга, пахта ҳосилдорлиги эса 9 центнерга ошди. Қишлоқ мулкдорлари бундай ижобий кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омили кейинги йилларда туманда мелиорация объектларида тизимли равишда тозалаш-тиклаш ишларининг олиб борилишида, деб билишади. Дарҳақиқат, 2011 йилда 684,9 миллион сўм маблағ эвазига хўжаликлараро "Гурдюш" зовури ва унга туташ тармоқларнинг 144 километр узунликдаги қисмида тизимли равишда таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилди. Натижада Қоракўл ва Олот туманларидаги кўплаб фермер хўжаликлари экин ерларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.



– Ҳар йили ерларнинг шўрини сифатли ювишимизга қарамасдан, экинларни бир текисда ундириб олиш имконияти бўлмасди, – дейди фермер Фарҳод Бегандиков. – Баҳор ва ёз фаслида сизот сувлари кўтарилиб, экинларнинг нобуд бўлиш ҳолатлари фермерларнинг таъбини хира қиларди. Туманимизда янги мелиорация объектларининг қурилиши ва мавжуд зовурларда тозалаш-тиклаш ишлари амалга оширилгач, шўрланиш чекинди, ерларимиз соғломлашди. Ҳосилнинг мўл бўлиши эса деҳқонларимизнинг даромадлари юқори бўлишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

"Қоракўлдавсувмахсуспудрат" давлат унитар корхонасининг меҳнат жамоаси ўтган йил давомида Қоракўл ва Олот туманлари ҳудудида жами 304,5 километр узунликдаги зовурларда 3455,8 миллион сўмлик қайта қуриш ва таъмирлаш ишларини бажариб, қишлоқ мулкдорларининг дала-деҳқончилик ишларига камарбаста бўлишди. Жумладан, корхона кучи билан вилоятдаги "Каттакўл–Гўжайли", "Қоракўлдарё", "Денгизкўл", "Қумработ" каби бир қатор магистрал ва хўжаликлараро зовурларда катта ҳажмли ишлар амалга оширилди. Бу каби мелиорация тадбирларининг бажарилиши эса минглаб гектар ерларнинг шўрланиш даражаси пасайишига олиб келаётир.

Албатта, корхонанинг бу каби кенг кўламли юмушларни бажаришида техника ва механизмлар муҳим ўрин тутса, уларни моҳирлик билан бошқариб келаётган Азим Асадов, Бозор Қуртов, Комил Ҳакимов, Асқар Ражабов, Исроил Ботиров каби тажрибали экскаваторчи ва механизаторларнинг улуши салмоқли бўляпти. Шу боис, корхона раҳбарияти техника ва механизмларни йилдан-йилга янгилаб, уларнинг сони ва сифат даражасини ошириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили 2 та замонавий, юқори унумли экскаватор, битта дона автокран ва битта машинистлар дам олиш кўчма дала вагони харид қилган корхона ҳисобида айни кунда катта ҳажмдаги ирригация ва мелиорация тадбирларини ўтказиш учун зарур техника ҳамда механизмлар мавжуд.

– Жорий ва келгуси йилларда ҳам корхонамиз олдида белгиланган ишлар салмоғи ниҳоятда катта, – дейди корхона раҳбари Рустам Ҳусенов. – Шу боис, ҳозирда лизинг шартномаси асосида яна 3 та янги механизм сотиб олишни режалаштириб турибмиз. Мақсадимиз элимизнинг ризқу насибасини яратаётган миришкор деҳқонларимизга камарбаста бўлиш.

**Ҳамроз АЛИ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

## МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим олиши ҳамда зарур касбларни эгаллаши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастурида оилалар фаровонлигини, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу жараённи кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.**

Давлат дастурининг еттинчи бўлимида оилани янада мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда хотин-қизларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ва уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Жамиятимизда аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу муҳим институтни мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилда "Ёш оилалар учун турар-жой" дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Ҳудудларда банклар томонидан кўп қаватли турар-жойларни қуриш учун кредит маблағлари, ёш оилаларга эса ушбу турар-жойларни сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аҳолига ипотека кредитларини ажратиш янада кенгаяди.

Давлат дастурида хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга доир комплекс чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, асосан хотин-қизлар ишлайдиган ва раҳбарлик қиладиган кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Шунингдек, сут ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун ҳам имтиёзли кредитлар ажратилади ва бу оилавий бизнесни ривожлантириш учун катта рағбат бўлади. Тадбиркор хотин-қизлар бошланғич капиталини тўлдириш учун, фермер хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларининг, айниқса, қишлоқ жойларда ўз ишини бошлаш истагидаги битирувчи қизлар ҳам имтиёзли кредитлар олиши мумкин. Бундан ташқари, маҳаллаларда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш учун спорт-соғломлаштириш залларини ташкил этишда ҳам шундай молиявий ёрдам бериш кўзда тутилган. Тижорат банклари мутахассислари билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади.

"Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган. Уни амалга ошириш давомида 5 минг нафарга яқин фермер аёл ва тадбиркорга имтиёзли микрокредитлар ажратиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 6 минг нафар хотин-қизнинг бизнес кўникмалари ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш бўйича туркум тренинглар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Андижон Вилояти



## Фарзандлар ардоғида

**Комил фарзанд, оилавий қувонч, сариштали рўзғор, осойишта турмуш оналик бахтининг амалдаги ифодасидир. Осуда ва фаровон, обод ва озод мамлакатимизда миллионлаб аёлларимиз ана шундай бахтни туйиб яшайдилар. Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида умргузаронлик қилаётган 95 ёшли онахон Обидахон Қўшматова улардан бири.**

Турмуш ўртоғи Ёқубжон ота билан уч ўғил, икки қизни эл корига ярайдиган фарзандлар этиб камолга етказган онахоннинг бошидан не синовлар ўтмади дейсиз. Ҳалол меҳнатга пайваста умрини сарҳисоб қилганида бугунги дориломон кунларга беҳад шукроналар айтади. Ҳар бир фарзанд камоли, ҳар бир фуқаро манфаати юксак эътиборда бўлган шундай Ватанда умрига умр қўшилиб, шодхуррамликда, жондан азиз жигаргўшалари бағрида ҳаёт завқини сураётганидан кўнгли чексиз миннатдорлик туйғуларидан мавжланади.

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида Обидахон аяни қутлаш учун келиб-кетаётганларнинг қадами узилмайди. Айниқса, бу ерда жам бўлган невараю эвараларнинг она, Ватан, меҳр-муҳаббатни тараннум этувчи шеърларни ёд олиб, гулдастага пайваста тарзда момосига совға қилаётгани хонадон аҳли дилларини шавқ-завққа тўлдирмоқда. Фарзандлари, яқинлари эъзозида кўнгли тоғдек ўсаётган аянинг қўллари дуода:

– Юртбошимиз раҳнамолигида ўтаётган тинч-тотув кунларимиз, фаровон ҳаётимиз бардавом бўлсин! Ҳар биримизга фарзандлар камолини ва роҳатини кўриш насиб этсин!

Юзларида шукроналик бахти порлаб турган Обидахон аянинг дуоларига барчамиз тилакдошмиз.

**Малоҳат ҲУСАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қатор туманларида хотин-қизлар учун мақсадли таълим дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай машғулотлар пайтида улар иқтисодий билимини ошириб, бизнес-режалар ишлаб чиқишни ўрганади. Шу билан бирга, оила бюджетини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини эгаллаш бўйича "Ўз оилавий келажагингни режалаштир" мавзуида тренинглар ташкил этилади. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш, фарзандлари бор ёш аёлларни 12 турдаги касб-ҳунарга ўқитиш бўйича ҳам тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу барча лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, авваламбор, қишлоқларда яшаётган хотин-қизларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг ўзимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ муддат фойдаланиладиган маиший техника ҳамда товарларни харид қилиши учун истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 марта кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, жумладан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш, кундалик ҳаётини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш доирасида жорий йилда ижтимоий ёрдамга муҳтож турмуш қураётган ёшларга никоҳ тўйларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг ижодий ва ишбилармонлик салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу мукофотга ўқиш, ижодий ва ижтимоий ҳаётда улкан муваффақиятларга эришаётган қизлар сазовор бўлмоқда.

Давлат дастурида иқтидорли ва фаол хотин-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларнинг серқирра қобилиятини янада кенг рўёбга чиқариш учун қатор тадбирлар режалаштирилган. Бу борада анъанага айланган "Йил аёли" миллий танлови, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари республика форуми ўтказилади, уларнинг шеърий тўпламлари чоп этилади. Иқтидорли ёш олима хотин-қизлар ва илмий тадқиқотчилар ўртасида «Илм юлдузлари» танловини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда юксак маънавиятли, ўз саломатлиги учун масъулиятли баркамол ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан жорий йилда болалар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, экологик тарбия, оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида "Ораста қизлар" тўгараклари фаолияти кенгайтирилади. Энг яхши натижа кўрсатган қизлар шу номдаги республика танловида қатнашади.

Давлат дастурида хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш вазифалари ҳам белгиланган. Масалан, жорий йилда 189 минг нафар қизга уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт кийимлари ва анжомлари бепул тақдим этилади.

Ушбу барча чора-тадбирлар истиқлол йилларида жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш борасида амалга ошириб келинаётган комплекс ишларнинг мантиқий давомидир. "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ривожланиши, барча жабҳаларни модернизация қилиш ҳамда янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, ҳар бир оилада фаровонлик ва умуман, юртимиз равнақини юксалтириш бўйича яратилган механизм самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

**ЎзА**



ЎзА суратлари.

# СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ.** Вилоят марказидаги теннис мажмуасида бўлиб ўтган тадбирда шаҳардаги 29-Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ҳамда спортга илк қадам қўяётган ёки мунтазам шуғулланаётган 1 минг 280 нафар қизга спорт кийимлари топширилди. Шу муносабат билан бу ерга спорт фахрийлари, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари, ота-оналар таклиф этилди.

– Президентимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлиги туфайли тенгдошларим орасидан мамлакатимиз довруғини жаҳонга таратаётган кўплаб спортчилар етишиб чиқаётир, – дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони Ирода Маматмуродова. – Бизга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликка жавобан фақат аъло ўқиш, Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб вояга етиш, юртимиз спорти шарафини жаҳон миқёсида юксак босқичга кўтаришга ҳаракат қиламиз.

Қизларнинг мактаб ва боғчадан бошлаб спорт билан шуғулланишлари учун кўрсатилаётган ғамхўрлик ўз самарасини бераётир. Айни пайтда республика олимпия захиралари коллежида 25 нафар, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида 80 нафар, Жиззах давлат педагогика институтида 250 нафар спортчи қиз таълим олаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Спортчи қизларнинг истеъдоди ва маҳорати ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани уларни янги марраларга руҳлантириши шубҳасиз. Шу маънода, Халқаро хотин-қизлар куни арафасида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида спорт билан доимий шуғулланаётган ёки спортга илк қадам қўяётган, айниқса, кам таъминланган оилаларнинг қизларига спорт кийимлари ҳадя этилаётгани уларни катта муваффақиятлар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлади.

Тадбирда Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов иштирок этди.

**НАМАНГАН ВИЛОЯТИ.** Тўрақўрғон туманида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ва туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари иштирок этди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Наманган вилояти филиалидан маълум қилишларича, жамғарма ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида вилоятда 120 дан зиёд болалар спорти иншооти барпо этилган. Улар энг замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланган. Бугунги кунда вилоятдаги 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг 31,2 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

Тўрақўрғон туманида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003-2012 йиллар давомида барча қулайликларга эга 17 спорт иншооти барпо этилди ва жаҳон андозалари даражасида жиҳозланди. Бугунги кунда туманда 25 спорт турига 16 минг нафардан ортиқ ёшлар жалб этилган бўлиб, уларнинг 5900 нафари қизлардир.

– Юртбошимиз томонидан биз, спортчиларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди, – дейди бадиий гимнастика мактаби тарбияланувчиси Дилфуза Собиржонова. – Келажакда янада улкан чўққиларни забт этиб, юртимиз байроғининг жаҳон спорт майдонларида юқори кўтарилишига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б.Юсупов иштирок этди.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ.** Жарқўрғон туманида бўлиб ўтган тадбирда маҳаллий ҳокимлик, жамоат ташкилотлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вакиллари, спортчи қизлар ва уларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Спортнинг таэквондо тури билан мунтазам шуғулланаман, – дейди Жарқўрғон саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Рисолат Ўразмуродова. – Президентимиз томонидан спортчи қизларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан чексиз миннатдормиз.

2012 йилда вилоятнинг ўқувчи-спортчилари мамлакат ва халқаро мусобақаларда фаол қатнашиб, уларнинг 40 нафарга яқини совриндор бўлди. Таҳлилларга кўра, сўнгги саккиз йилда ўқувчилар ўртасида пневмания, бронхит, ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш ҳолатлари кескин камайган.

– Совғаларни қабул қилиб олаётган шогирдларимни кўриб, чексиз фахрландим, – дейди туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббияси Манзура Турсунова. – Мактабимизда 730 бола спортнинг ўн тури билан шуғулланади. Уларнинг 152 нафари қизлардир. Айни пайтда 27 нафар ўғил бола ва 15 нафар қизга миллий кураш сирларини ўргатмоқдаман. Спорт кийимларини катта севинч билан қабул қилиб олган қизларимиз келажакда давлатимиз байроғини баланд кўтаришига ишонаман. Буларнинг барчаси юртимиздаги тинчлик, фаровонлик ва ёш авлоднинг бахту камоли йўлида кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликнинг самараларидир.

**ЎзА**

# ЮКСАК ИШОНЧ ВА УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2013 йилги совриндорлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, фаол хотин-қизлар қатнашди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфия ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳожиматов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева, олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.Қаюмов, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, маданият ва санъат йўналишларида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган фаол ва изланувчан қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Ҳозиргача ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланган ўнлаб қизлар мамлакатимизнинг етакчи ташкилот ва идоралари, таълим, тиббиёт, илм-фан ва маърифат даргоҳларида самарали меҳнат қилмоқда.

Жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилган танловда 11,2 минг нафарга яқин қиз иштирок этди. Турли соҳаларда юксак муваффақиятларга эришган, мамлакатимиз ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киритган 14 нафар қиз ушбу давлат мукофотига лойиқ топилди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофотининг жорий йилги совриндорлари юксак ишончи учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МОҲИР УСТА, ТАЖРИБАЛИ ПЕДАГОГ

Қашқадарё Вилояти



**Шаҳрисабз туманидаги Чоршанбе қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 1700 ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларнинг билим ва кўникмаларини ошираётган тажрибали педагог ва моҳир усталардан бири – Фазилат Усмонова 2012 йили Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Президентимиз фармонига биноан «Дўстлик» ордени билан тақдирланган.**

Фазилат Усмонова ёшларга тикувчилик сирларини ўргатади. Унинг мақсади ўқувчи-ёшларда тикувчилик маҳорати билан бирга замонавий модельерлик, дизайнерлик қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Фазилат опанинг ўнлаб шогирдлари бугунги кунда қишлоқларда очилаётган тикувчилик цехларида муваффақиятли меҳнат қилаётир.

**СУРАТДА:** "Дўстлик" ордени соҳибаси Фазилат Усмонова ўқувчиси Шалола Раупова билан.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

Навоий Вилояти

▼ ХОТИН-ҚИЗЛАР СПОРТИ

# ЧИНИҚИШ, САЛОМАТЛИК, ЕТУКЛИК МАСКАНИ

*Мамлакатимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга бўлган эътибор йил сайин ошиб бормоқда. Буни ҳудудларда ташкил этилаётган мусобақалар, жаҳон спорт майдонларида эришилаётган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Қувончлиси, нафақат шаҳарларда, балки қишлоқларда ҳам бугун аёллар спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланишмоқда. Уларда боғча тарбияланувчиси, мактаб, лицей, коллеж ўқувчиси, олий ўқув юрти талабасию уй бекалари ва ишчи-хизматчи аёлларнинг ҳам иштирок этаётгани аҳамиятли.*

Хусусан, Навоий вилоятининг ҳар бир шаҳар ва қишлоғида ана шундай ижобий манзарани кузатиш мумкин. Шу ўринда вилоят хотин-қизлар спортчиларининг дунё миқёсидаги муваффақиятларини алоҳида таъкидлаш лозим. 2009 йилда навоийлик спортчи Екатерина Шишкова Италияда армрестлинг бўйича жаҳон чемпиони деган юксак номга сазовор бўлган эди. Ульяна Трофимова ва Жамила Раҳматова эса Хитойда ўтказилган "Осиё ўйинлари"-да умумжамоа ҳисобида каратэ-до бўйича иккинчи ўринни эгаллашди. Юлия Стесенко, Эльмира Рахмилева каби чемпион спортчилар ҳам шу юрт фарзандлари.

Томди вилоятнинг энг чекка туманларидан. Чорвачиликка ихтисослашган бу туманда илгари аёллар у ёқда турсин, ҳатто эркаклар учун ҳам спорт билан шуғулланишга деярли шароит йўқ эди. Мустақиллик даврида ҳаммаси ўзгарди. Замонавий спорт иншоотларининг барпо этилиши натижасида болалар, эркаклару аёллар спортга кенг жалб этилди, қишлоқларда кўплаб спорт тўгараклари фаолият кўрсата бошлади.

— Шундай тўгаракларда қизларимизнинг қатнашаётгани нур устига аъло нур бўлмоқда, — дейди спортнинг қисқа масофада найза улоқтириш тури бўйича шуғулланувчи томдилик Венера Қасаманова. — Мустақиллик туфайли шундай имкониятларга эга бўлдик. Аёлларимиз, қизларимиз халқаро мусобақаларда Ўзбекистон номини дунёга таратмоқда. Қолаверса, инсон саломатлигини сақлашда спортнинг ўрни нечоғлик катта. Биламизки, соғлом фарзанд дунёга келишида ҳам онанинг ҳар жиҳатдан тетик, жисмонан етуклиги муҳим роль ўйнайди. Спортга ошно қизлар ҳам жисмонан, ҳам руҳан кучли, иродали бўлиб улғаяди. Бу эса уларнинг келажак ҳаётига ижобий таъсир ўтказади. 2012 йил — Мустаҳкам оила йилида бўлиб ўтган мусобақалар Обод турмуш йилида яна давом этишига ва вилоятимизда спортчи аёллар сони кўпайишига ишонамиз.

Навоий олимпия захиралари коллежида таҳсил олаётган қизлар ҳам турли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда. Жумладан, Нигина Ражабова яқинда ўтказилган таэквондонинг ИТФ тури бўйича 1996-1999 йилда туғилган қизлар ўртасидаги мамлакат биринчилигининг ғолиби бўлди. Коллежнинг умидли спортчиларидан Холнисо Ҳамроева ва Мафтуна Сувонова эркин кураш бўйича республика ва халқаро спорт беллашувларида бир неча бор ғолиб чиқди. Уларнинг ҳар иккиси бугунги кунда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидир. Спортнинг гўзал ва нафис тури — бадиий гимнастика бўйича коллеждагина эмас, бутун вилоятда Зарина Қурбонова, Фарангиз Аҳмедова, Феруза Аминоваларданн ўтадигани йўқ. Спортнинг бу турида кўплаб хотин-қизларнинг фаол иштирокини кузатиш мумкин. Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Умумий гимнастика бўйича 6-Республика очиқ чемпионатида вилоят шарафини ўсмир йигит-қизлар билан бирга Навоий шаҳрининг уй бекалари ва ишчи аёллари жамоаси ҳам ҳимоя этиб, мусобақада иштирок этган энг фаол вилоятлар сафидан жой олишига ҳисса қўшди.

Навоий давлат педагогика институтининг 2-босқич талабаси Сурайё Явқочева ўтган йили миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида қизлар ўртасида иккинчи ўринни эгаллади. У яқинда Қашқадарёда ўтказилган Ўзбекистон кубогида ҳам айнан шу муваффақиятни такрорлади.

— Эришаётган ютуқларимда мураббийим Маматали Норовнинг ҳиссаси катта, — дейди С. Явқочева. — Спортчининг ўзида ғалаба сари интилиш ва ишонч бўлмас экан, тинимсиз машқлар ҳам натижа бермаслиги мумкин. Шу сабаб ҳар гал майдонга тушаётганимда ўзимга бўлган ишончнинг мустаҳкамлигига суянаман. Руҳий тетикликни йўқотмасликка ҳаракат қиламан. Устозим мени доимо ана шундай ишонч сари руҳлантиради.

Вилоятда қизлар билан бир қаторда ўттиз ва ундан юқори ёшдаги аёлларнинг ҳам турли мусобақаларда қатнашаётгани қувончли. Масалан, вилоятда ўтган йили ўтказилган «Аёллар спорт фестивали»да 200 нафарга яқин хотин-қиз иштирок этиб, спортнинг волейбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, сузиш каби турларида яхши натижаларга эришдилар. Навоий шаҳридан Наиля Ҳайитова, Соҳиба Қиличева, Анна Фомина, зарафшонлик Тўйбиби Амонова, Римма Валиулина, қизилтепалик Роҳатой Йўлдошева, Умида Қодирова, карманалик Матлуба Ҳасанова кабилар аёлларнинг спортда нималарга қодир эканликларини намойиш этишди.

Вилоятда аёллар футбол жамоасини шакллантириш ва кенг оммалаштириш, айниқса, чекка ҳудудларда ҳам аёл футболчиларнинг ишончли захирасини яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бу ҳам хотин-қизларни спортга жалб этиш йўлидаги дадил қадамлардан бири, албатта.

Қисқаси, вилоятда аёлларни спортга жалб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг. Қувончлиси, улар ўртасида спорт мусобақаларини ташкил этишнинг оммавийлашиб бораётганидир.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Андижон Вилояти

# БОҒИШАМОЛДА "АЁЛЛАР БОҒИ"

**Андижон вилояти Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида "Аёллар боғи" ташкил этилди. Шу муносабат билан янги дам олиш масканига кўчат ўтқазиш маросими катта тантанага айланиб кетди.**

"Мустақилликнинг 22 йиллигига 22 тупдан дарахт" шиори остидаги мазкур ташаббуснинг рўёбга чиқишига турли жабҳаларда меҳнат қилаётган 300 нафардан зиёд фаол аёлларнинг ҳар бири ўзига хос ҳисса қўшди.

— Аёлларнинг қадами етган жой, шубҳасиз, боғу бўстонга айланади, — дейди Андижон индустриал-педагогика касб-ҳунар коллежи директори Равшаной Жўрабоева. — Янги ташкил этилган "Аёллар боғи" ҳам гуллаб-яшнашига ишонамиз. Сабаби, биз ҳар бир кўчатга меҳримизни пайванд этдик.

Ташаббус илк куртак ёзган куннинг ўзидаёқ 500 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари ўтқазилди, бир неча турдаги мавсумий гуллар экилди. Теварак-атроф тозаланиб, обод гўшага айлантирилди.

**"Туркистон-пресс"**

Самарқанд Вилояти

# САЁҲАТ САМАРАЛИ БЎЛДИ

**Самарқандда 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан фаол аёллар, истеъдодли қизлар ва кам таъминланган оила вакилларининг вилоятдаги тарихий обидалар ва кейинги йилларда бунёд этилган замонавий иншоотларга саёҳати уюштирилди.**

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад аёлларни юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, халқимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар билан яқиндан таништиришдан иборат. Чунки улар ўзлари яшаб турган ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлибгина қолмай, вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларидаги ўзгаришлардан ҳам етарли даражада хабардор бўлишлари лозим. Шунинг учун саёҳатга чиққан хотин-қизлар таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт иншоотлари, намунавий лойиҳа асосида қурилган уй-жойларда бўлиб, аҳоли учун яратилган турмуш шароитлари билан танишдилар. Тадбиркор аёллар фаолияти, истеъдодли қизларнинг ташаббус ва интилишлари билан қизиқиб, ўзаро тажриба алмашдилар.

– Саёҳатдан бир олам таассурот олдик, – дейди Нарпай туманидаги Зирабулоқ пахта тозалаш заводи ходими Дилафрўз Пардаева. – Айниқса, Самарқанд шаҳрининг Мирзо Улуғбек кўчасидаги ўзгаришлар, ҳар бир бинонинг ўзгача дизайнда қурилгани қадимий Самарқандга ўзгача чирой бахш этибди. Регистон майдони яқинида яратилган янги боғ ва бошқа замонавий иншоотлар, хиёбонлар, кўчалар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЗИММАМИЗДАГИ ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

## ДОН МЎЛЛИГИ — РИЗҚ-НАСИБА БУТУНЛИГИ, КЎНГИЛ ХОТИРЖАМЛИГИ, ФАРОВОНЛИК ТИМСОЛИ

**Бугун фермерларимизнинг зиммасида элу юрт ризқини яратишдек юксак масъулият бор. Ғаллачиликда эришилаётган ютуқлар ҳақида сўз юритар эканмиз, ҳақли равишда уларни фермерлик ҳаракати билан боғлаймиз. Фермерларимизнинг илм-фанни амалиётга пайваста этиб, изланиш ва ташаббускорлик билан қилган меҳнатлари самараси ҳосилдорлик ошишида намоён бўлмоқда.**

**Содиқжон ТУРДИЕВ,**
*Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси.*

Шу ўринда фермерларга яратилаётган шароит, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликни эътироф этиш жоиз. Фермерлик ҳаракатига қаратилаётган эътибор, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ғалла навларини яратиш, навларни ҳар бир ҳудуд шароитига мослаб жойлаштириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Агротехника жараёнида ёнилғи-мойлаш материаллари, ўғитларни жойларга етказиб бериш борасидаги саъй-ҳаракатлар фермерларимизни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда, уларни янги марраларга чорламоқда. Хусусан, ҳосилдорлик ошиши бароварида уларнинг манфаатдорлиги ҳам ошиб бораётир. Шу боис, кўпчилик фермерларимиз ва фермерлар кенгашларидан бу йил давлатга дон сотиш шартномавий режасини **5 центнерга ошириш ташаббуси** билан чиқдилар.

2013 йил ғалла ҳосилининг чўғи далалардаги майсага, фермерларимиз томонидан агротехник тадбирларнинг ўз муддатларида ўтказилишига ва, қолаверса, ерга бўлган меҳрига боғлиқ эканлигини меҳнаткаш деҳқонларимиз жуда яхши билишади ҳамда шунга амал қилган ҳолда иш олиб боришмоқда.

Ғалла парваришида бир кунга кечикиш нафақат умумий ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади, балки фермер хўжалигининг молиявий ҳолатига, оқибатда эса юрт, халқ ризқ-насибасига салбий таъсир қилади.

2013 йилда фермерларимизнинг ғаллазорларида майсалар авжи яхши. Хўжаликлар етарли даражада ўғит ва бошқа моддий ресурслар билан таъминлаб келинмоқда.

Бугун фермерларнинг асосий вазифаси катта меҳнат эвазига бугунгача парваришланган майсага янада меҳр билан қараш, унинг ривожини барқарор қилиш, ҳосилага ҳосил қўшиш учун пайида бўлишдан иборат. Чунки бугунги кунда барча фермерларимиз, қолаверса, қишлоқда яшовчи ҳар бир киши нафақат ғалланинг дони, унинг сомонидан ҳам самарали фойдаланишни йўлга қўйганимиз ҳеч кимга сир эмас. Шунинг натижасида чорвачилик учун озуқа базаси мустаҳкамланмоқда, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпаймоқда. Улардан олинадиган даромадлар турмушимиз ободлигига хизмат қилаётгани, сервис хизматларининг қишлоққа кириб келишига сабаб бўлаётгани, ёшларнинг иш билан таъминланишига замин бўлаётганини яхши англаб турибмиз.

Ҳосилдорликни ошириш, ғалла майсалари парваришида фаолликни сусайтирмаслик ғаллакорларнинг, фермерларнинг, мутахассису мутасаддиларнинг, қолаверса, ҳудудлари раҳбарларнинг асосий вазифасидир. Шу мақсадда фермерларимиз томонидан баҳор ойи – **"Ҳосилни тўплаш ва сақлаш зарбдор тўқсон кунлиги"**, деб эълон қилинди. Ва ушбу масъулиятли вазифага киришилди.

Фермерларнинг бугунги кундаги вазифалари нималардан иборат? Ҳозирги шароитда мўл ҳосил етиштириш, ҳосилдорликни оширишнинг қандай омиллари бор? Мутахассисларнинг фикри, миришкор ғаллакорларимизнинг илғор тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, асосий омиллардан бири – маҳаллий ўғит жамғаришни жадаллаштириш, гўнгдан самарали фойдаланиш зарур. Негаки, гўнг – маҳаллий ўғит тупроқ ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Дала бошида маҳаллий ўғит жамғариш майсаларни **"шарбат" усулида** суғоришга асқотади. Ушбу усулда майсаларни суғориш, уларнинг озиқланишида қўл келиши баробарида илдиз тизимининг яхши ривожланишига омил бўлади. Шунинг баробарида бу тадбир хонадон тозалиги, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тоза, саришта хонадонда барака бўлади.

Бугунги кунда илғор фермер хўжаликларимиз ҳар гектар **майдондан 60-75 центнердан** ҳосил олмоқдалар. Демак, ҳар бир фермер яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, ўз хўжаликларида таяниб, ғалладан **50-55 центнер** ҳосил олиши мумкин.

Ғаллачиликда ҳозирда олдимизга муҳим вазифалар қўйилмоқда. Шу ўринда ривождан орқада қолаётган ғалла майдонларини яхши ривожланган ғаллазорлар қаторига қўшиш, яхши ривожланаётган майдонларда эса ҳосилга ҳосил қўшиш имконияти аниқ ҳозир мавжудлигини ҳар бир фермер, мутахассислар ва ҳудудлар раҳбарлари яхши англаши лозим.

Шу мақсадда Фермерлар кенгаши назорати, яъни жамоатчилик назоратини ўрнатиб, кенгаш аъзолари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда қолоқ фермер хўжаликларининг ҳар бирига амалий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Маълумки, ҳаво ҳарорати 30 даражадан паст иссиқликда ғалла тўплаш жараёни давом этади, ҳарорат 30 даражадан юқори бўлганда эса тўплаш жараёни тўхтаб, ғалла фақат бўйига ўсади. Демак, асл ғаллакор парвариш вақтни бой бермаслиги лозим.

Ҳосилдорликни оширишнинг омилларидан яна бири – иккинчи марта озиқлантириш ишларини тез муддатда ўтказишдир. Бунда ўғитланган майдонларга сувни кўп ҳайдамасдан майда тараш лозим. Бу йўл билан ўғитни ўсимлик ўзлаштиришига имкон яратилади.

Бундай ишларни амалга оширувчи механизаторлар, сувчилар ва ғалла парваришидаги бошқа иштирокчиларни доимий зарур иш қуроллари билан таъминлаш, уларни моддий рағбатлантириб бориш ҳосил баракасини оширишдаги вазифалардандир.

Таъкидлаб ўтилганидек, бу йил фермерларимиз ғалла ҳосилдорлигини ҳар йилгидан оширишни мақсад қилишаётир. Ушбу мақсаднинг амалга ошиши эса бугунги агротехник тадбирларни оби-тобида, муддатида ўтказишга боғлиқ. Мана шундай тадбирлардан бири – майсаларни минерал ўғитлар билан озиқлантиришдир. Айни пайтда республикамиз ғаллакорлари биринчи озиқлантиришни туғаллашди. Иккинчи озиқлантиришни март ойида якунлаш долзарб вазифалардан биридир.

Маълумки, ҳосилдорликни ошириш, ҳосилни сақлашда экинни зараркунанда ва ҳашаротлардан ҳимоялашнинг аҳамияти катта. Бу йилги қиш фаслининг илиқ келиши, қолаверса, баҳорнинг ҳам илиқ ва кам ёғингарчиликлар билан ўтиши кутилаётган бир вазиятда зараркунандалар ва касалликлар экинга кутилганидан кўра кўпроқ хавф солиши мумкин. Шу боис, етарли миқдорда кимёвий ва биологик кураш воситаларини жамғариб қўйиш зарур.

Буларнинг барчаси ризқу рўзимиз манбаи бўлган ғалладан мўл ҳосил олишни таъминлайди. Ўз-ўзидан англашиладики, бу жараёнда нафақат фермерлар ёки фермерлар кенгашлари, балки барча-барчамизнинг иштирокимиз муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, кўпни кўрган нуронийлар, маҳалла фаоллари бу борадаги ташкилотчилик ишларига бош-қош бўлсалар мақсадга мувофиқ бўларди.

...Баҳор бошланди. Табиат яшилликка бурканмоқда. Барча деҳқонлар қатори ғаллакорлар ҳам мўл ҳосил иштиёқида меҳнат қилаётир. Дилда эзгу ниятлар билан Наврўзни қарши олмоқдамиз. Наврўзда қилинган ниятлар ижобатига ишонамиз. Демакки, мақсадни юксак олиб, фаолликни янада оширсак, кўзланган натижага албатта эришамиз.

Сирдарё Вилояти

**Ғаллачиликдан юқори ҳосил олиш аҳоли дастурхони тўкинлигини таъминлаши билан бирга фермерларнинг иқтисодини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. 1 гектар ғалла майдонидан режадан ортиқ ҳосил олинса, даромад бир неча баробар ошади. Яқин йилларгача ғалла ўримидан кейин ёқиб юбориладиган сомон бугун энг чекка далаларда ҳам охиригача йиғиб олинмоқда. Чунки 1 гектар ғалла майдони сомонининг ўзидан 500-600 минг сўм фойда қилинмоқда.**

# ҒАЛЛА – РИЗҚ-РЎЗ, КАТТА ДАРОМАД МАНБАИ

**Ботиржон МИРЗАҚУЛОВ,**
*Сирдарё вилояти Фермерлар кенгаши раиси.*

Шундан келиб чиқиб, февраль ойининг бошида вилоят Фермерлар кенгаши аъзолари ва тажрибали деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, ғаллачиликда қилинадиган ишлар тўғрисида, бу йил вилоят бўйича ҳар гектар майдондан олинадиган ҳосилни ўтган йилгидан 10 центнерга ошириб, ўртача 50 центнерга етказиш бу соҳадаги асосий мақсадимиз бўлиши шартлиги ҳақида фермерларга мурожаат қабул қилдик ва ҳар бир қишлоқ мулкдорига етказдик. Унда Ховос туманидаги "Одилали" ва "Каримберди Абдурасул" фермер хўжаликлари бошқаларга намуна қилиб кўрсатилди. Бу фермерлар барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш билан бирга гектарига 10-15 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб, "шарбат" усулида пешма-пеш суғориб, 3-4 маротаба суспензия билан ишлов бериш ҳисобига 70-80 центнердан ошириб ҳосил олишга эришиб келишмоқда. Ўрнак қилиб кўрсатиш учун шу каби фермерлардан вилоятдаги СИУларнинг барчасида 5-6 тадан ташкил қилиб, тажриба участкаларига айлантирдик.

Юқорида айтилган мақсадга эришиш учун вилоятимиз ғаллачилигида янгича иш тизими жорий қилинди. Ривождан орқада қолган ғалла майдонлари аниқлаб олинди ва азотли ўғитлар билан озиқлантириш, пешма-пеш "шарбат" усулида суғориш ҳисобига қисқа муддатда ғалланинг ҳолати яхшиланди.

Деҳқончиликда юқори ҳосил олиш учун агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли адо этиш, белгиланган меъёрларга амал қилиш зарурлигини ҳар бир фермерга етказишга ҳаракат қиляпмиз. "Маҳаллий ўғит жамғариш зарбдор 60 кунлиги" эълон қилинганидан кейин ғалла майдонларининг ҳар гектарига 5 тоннадан гўнг чиқариш бўйича фермерлар кесимида топшириқ белгиланиб, қазилган 29 мингдан ошиқ "ҳосил хандақ"ларга махсус отрядлар, фермерлар ва от уловли отрядлар ёрдамида гўнг жамғарилди ва пешма-пеш далалар "шарбат" усулида суғорилмоқда.

Сирдарё вилояти тупроқ шароитида ғалла майдонларида бегона ўтга қарши курашиш учун гербицид билан бир марта тўлиқ, чўл ҳудудларида эса 2 мартадан ишлов бериш зарур. Чунки бегона ўтлар тупроқ таркибидаги озуқа моддалар ва намликни буғдойга нисбатан бир неча баробар кўпроқ ўзлаштиради. Бундан ташқари, ғаллазорларда касаллик ва зарарли ҳашаротларнинг кўпайишига имконият яратади. Фермерларимиз замбуруғли касалликлар пайдо бўлганидан кейин эмас, балки унинг олдини олиш фойдалироқ эканлигини тушунган ҳолда 100 фоиз майдонга фунгицидлар билан ишлов беришга ҳаракат қилишмоқда. Деҳқонларимиз ғаллани баргидан озиқлантириш мақсадида 3-4 марта суспензия билан ишлов бериш қанчалик фойдали тадбир эканлигини жуда яхши билишади. Чунки улар ўтган йилларда суспензияли ҳар бир ишлов 5 центнергача ҳосил қўшганлигининг гувоҳи бўлишган.

Юқорида айтиб ўтилган тадбирларни ўтказишни ташкиллаштириш бўйича Боёвут туманидаги "Боймурод ота" фермер хўжалиги даласида вилоят кўргазмали семинари ташкил этилиб, унда фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислар ва уч юзга яқин ОВХ билан таъминланган 84 та отряд раҳбарлари иштирок этдилар. Давлатимиз томонидан ғалладан юқори ҳосил олиш учун ҳар томонлама амалий ёрдам берилмоқда. Минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, комбайнларга эҳтиёт қисмлар етарлича етказилиб берилмоқда. Бундан фермерларимиз ғоят мамнун бўлмоқдалар.

Сирасини айтганда, вилоятимиз Фермерлар кенгаши аъзолари ва туман кенгашлари, қишлоқ мулкдорлари бор куч ва имкониятларини юқори ҳосил етиштиришга сафарбар этмоқдалар.

Қашқадарё Вилояти

# ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШДА БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БЎЛИШИ ЗАРУР

**Халқимизда йил йилга ўхшамайди, деган гап бор. Бу йилги баҳорнинг эрта келиши ишларимизни шу йил табиатига мослаштиришни тақозо этди. Айни пайтда ҳудудимиздаги фермер хўжаликлари ғалла майсаларини агротехник тадбирлар асосида парваришлашмоқда. Ҳудудимиздаги мавжуд 48 та фермер хўжаликлари деҳқонлари асосий эътиборни майсалар ривожини янада тезлаштиришга қаратмоқдалар.**

Бунинг учун белгиланган агротехник тадбирлар ўз вақтида бажариляпти. Деҳқонларимиз ҳаракатидан маълумки, экинни биринчи озиқлантиришда гектарига 100 килограммдан азотли ўғит берилган бўлса, иккинчисида бу рақам ғалла майсаларининг ҳолатига қараб 200-220 килограммни ташкил этди. Ниҳоллар икки марта обиҳаётга қондирилди. Айниқса, бу борада "Кенжа бобо Эгамбердиев", "Сайфулло бобо Рўзиев", "Сафаров Очил бобо", "Лутфуллаев Оғабек", "Аллаев Холмат бобо" фермер хўжаликларида ишда юқори кўрсаткичларга эришиляпти. Гектаридан 60-65 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилган ушбу фермер хўжаликларида ғалла майсаларининг ривожи ўтган йилдагига қараганда 10-15 кун олдинда боряпти. Бу ишларда биз — қишлоқ фаоллари яқин кўмакдош бўляпмиз.

